

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI

NAMANGAN MUHANDISLIK - TEXNOLOGIYA
INSTITUTI

“CHET TILLAR” KAFEDRASI

INGLIZ TILIDAN MUSTAQIL O'QISH KITOBI



A BOOK FOR SUPPLEMENTARY
READING IN ENGLISH

Namangan - 2017

**Tuzuvchilar: HamMTI “CHET TILLAR” kafedrası mudiri, katta o’qituvchi
SH. KAYUMOV, SH.SHERGOZIYEV**

There is / There are Ибораси

There is a Dragon across the River
Дарёнинг у томонида битта аждахо бор

Pronunciation - Талаффуз

[tʃ] **church, chair, cherry, chimes, beach, teacher**

[ʃ] **ship, bush, negation, notion, sugar, Russian**

[θ] **thing, nothing, both, moth, thistle, thigh, third**

[ð] **that, mother, brother, with, they, them, bother**

Word - Сўз

let феъли имкон бермоқ, йўл қўймоқ, рухсат этмоқ деб таржима қилинади. У **let me, let us** ибора тарзда қўлланилади. Сўзма сўз таржима қилинса **менга рухсат этинг, бизга рухсат беринг** деб таржима қилиш мумкин. Бироқ **келинг ёки келинглар, майли** деб таржима қилинса аниқроқ бўлади.

Let us деяри доимо **let's** [lets] кўринишида қисқартириб қўлланилади.

Let me introduce Mr Bliss. - мистер Блисни таништиришга рухсат этинг.

Let me know when he comes back. – У келганда, менга хабар беринг.

Let me think. – Ўйлаб олишга рухсат этинг.

Let him go. – У кетаверсин (унга кетишга рухсат беринг).

Let them hurry up. – (айтинг) Улар шошилсинлар.

Let's wait. – (келинглар) кутайлик.

Let's go back. – (келинглар) қайтайлик.

Let's stick together. – (келинглар) бирлашайлик.

Бир марта Кристофер Робин Винни Пухга: -“Кел аждаҳоларни қидирайлик” деганди. The boy said: “Let’s look for dragons.” Бола кел аждаҳони топайлик деди. He said: “Let’s find a dragon and frighten him.” У кел аждаҳони топиб қўрқитайлик деди.

Reading - Ўқиш

Frighten ['fraitn] (қўрқитмоқ) феъли ва **afraid** [ə'freid] (қўрққан) сифат сўзларини фарқлаш муҳимдир. Инглизлар: **afraid** [ə'freid] (қўрққан) сифатини мен қўрққанман– тарзда боғловчи-феъл **am, are, is** (бўлмоқ) hozirgi замонда ҳамда **was were** (эди) ўтган замонда билан ишлатадилар.

Let's frighten the dragon. – Келинг аждаҳони қўрқитамиз.

What if he frightens us? – Агар у бизни қўрқитсачи?

Are you afraid? – Сиз қўрқасизми?

I am not afraid of dragons. – Мен аждаҳолардан қўрқмайман.

Are you afraid of bees? – Арилардан қўрқасизми?

The bear is afraid of them. – Айиқ улардан қўрқади.

Pooh was not afraid. – Пух қўрқмади.

Looking for Dragons Аждаҳоларни излаб

Boy: Let's look for dragons.

Pooh: Yes, let's.

Boy: They live across the river.

Pooh: Yes, I know.

Boy: Look, there they are!

Pooh: Yes, those are dragons all right.

Boy: Look at their beaks! Real dragons!

Pooh: That is what they are!

Boy: Let's frighten the dragons.

Pooh: That is right.

Boy: I am not afraid. Shoo!

Pooh: Look, they are flying off.

Boy: Silly old dragons!

Pooh: I was not afraid.

Boy: No?

Pooh: I am never afraid if I am with you.

Boy: Let's always stick together.

Pooh: Yes, let's.

Notes - Изохлар

Old бу сифат. This is old- бу эски (қари).

silly сифати тентақ, ахмоқ деб таржима қилинади. Баъзан сиз умуман қари бўлмаган дўстингизни қария деб атайсиз, тентақ бўлмаган синглингизни жиннивой дейсиз. "хайвон овчилари" ғозлар ҳақида, яъни аждархолар ҳақида ҳам эркалаш маъносида

худди шундай гапирадилар. Қахрамонларимиз ҳақидаги чуқур маъноли луқма ташлашингизга бир неча мисоллар келтирамиз.

Silly old dragons! – Тентак аждархолар!

Look, there they are! – Қара, ана улар!

Those are dragons all right. – Булар аниқ аждархолар.

That is what they are! – Мана улар қандай эканлар!

Silly old bear! – Тентак қари айиқ!

Grammar - Грамматика

Beak (тумшук) сўзини ўқиб, биз дарёнинг нарғи бетида ғозлар яшабини тушуниб оламиз... Some geese live across the river. , у томонда (there) – дарёнинг у бетида (across the river), денгиз ортида (over the sea)... У томонда мужиза бор, у томонда алвасти дайдиб юрипти!

Денгиз орти мамлакатига таъриф беришда, инглизлар **there is**- яъни бор, мавжуд, турарди, ётарди, осиб қўйилган каби бир неча ибораларни ишлатиб таржима қилиш мумкин. Оғизаки нутққа **there is** иборасини киритиш билан янги ҳали биз муҳокама қилмаган мавзу кириб келади.

There is a dragon across the river. – Дарё ортида аждархо бор ёки дарё ортида аждархо яшайди.

There is an oak by the sea. – Денгиз бўйида дуб дарахти ўсади (бор).

There is a gold chain on the oak. - дуб дарахтида олтин занжир (бор).

Агар аждархо, дуб, занжир ажоиб нарсалар кўп бўлса унда **is** ўрнида **are** ни ишлатиш лозим.

There are oaks by the sea. - Денгиз бўйида дуб дарахтилари ўсади (бор).

There are chains on the oaks. - дуб дарахтларида олтин занжирлар (бор).

there is ибораси хаёлий фантастик нарсаларнинггина эмас балки, оддий нарсалар хақида гап кетганда ҳам қўлланади. Баъзан таржима қилганимизда “**бор**” сўзини (яъни кесимни) таржима қилмасдан ҳам маънони англаб олаверамиз.

There is a table in the room. – Хонада стол (бор).

There is a picture on the wall. – Деворда расим(турибди).

There are cows in the field. – Далада моллар (бор).

There are bears in this wood. – Бу ўрмонда айиқлар (бор).

Мисоллардан кўриниб турибдики, **there is** ибораси ишлатилган гапларни охиридан бошлаб таржима қилиш тўғрироқ бўлади.

There is a hole in the ground. – Ерда уя бор.

There are apples on the tree. – Дарахтда олмалар бор.

Reading - Ўқиш

Эртақлар мамлакати билан танишиш учун қуйидаги "калит сўзлар" керак бўлади:

(key words):

city (шахар), **street**(кўча), **house** (уй), **room** (хона)... **Town** сўзи бу ўринда катта шахар маъносида ишлатилган. **Lane** [lein] — хилват (тор) кўча, **yard** [ja:d] **ховли** маъносини беради.

The Key of the Kingdom

Қиролликнинг калити

This is the key of the kingdom:

In that kingdom there is a city.- Ўша қиролликда бир шаҳар бор

In that city there is a town. - Ўша шаҳарда бир шаҳарча бор

In that town there is a street. - Ўша шаҳарчада бир кўча бор

In that street there is a lane. Ўша кўчанинг бир тор кўчачаси бор

In that lane there is a yard. –Ўша тор кўчачада бир ховли бор

In that yard there is a house. – Ўша ховлида бир уй бор

In that house there is a room. – Ўша уйнинг бир хонаси бор

In that room there is a bed. –Ўша хонада бир кроват бор

On that bed there is a basket. – Ўша кроватда бир саватча бор

In that basket there are some flowers... Ўша саватчада бир қанча гуллар бор....

Notes - Изоҳлар

1. Агар бир гапда стуллар ҳам, кроватлар ҳам, ва стол ҳам санаб ўтилса... Ва бу гапда бирликдаги отлар ҳам кўпликдаги отлар ҳам мавжуд бўлса гапни **there is** билан бошлаш керакми ёки **there are** биланми?

Жавоб: Бунда гапда биринчи келатган отга қараймиз. Агар биринчи бўлиб **table** сўзи келса **there is** билан бошлаймиз. Агар биринчи бўлиб **chairs** сўзи келса **there are** билан бошлаймиз лозим бўлади.

There is a table and four chairs in the room. – Хонада битта стол ва 4та стул бор.

There are four chairs, a table and a sofa. – Хонада тўртта стуллар, битта стул ва битта диван бор.

2. Баъзан инглиз тилида **in the street** дейиш ўрнига **on the street** деб юборсангиз бу жуда қўпол хато эмас.

Tim lives in Park Street. - Тим Парк-стритда яшайди.

There is a monument in the square. – Майдонда хайкал бор.

The bakery is on Hill Street. - Нонвойхона Хилл-стритда жойлашган.

Grammar - Грамматика

Сўроқ гапларда **there** сўзи билан **is** (*ёки are*) ўзаро ўрин алмашадилар:

Is there a giant in the kingdom? - Қироллигингизда девқомат одам борми?

Are there witches in it? – (Қироллигингиз)да алвастлар борми?

Are there miracles? – Мўжизалар борми?

Are there monsters? – Баҳайбат махлуқлар борми?

Are there knights? – рицарлар борми?

Is there magic? – Сеҳиргарлик борми?

Бундай саволларга қисқа ижобий ва салбий жавоблар беришни ўрганамиз.

Is there a bakery in your street? – Кўчангизда нонвойхона борми?

Yes, there is. – Ҳа, бор.

Are there other shops? – Бошқа дўконлар борми?

Yes, there are. - Ҳа, бор.

Is there a post-office? – Почта биноси борми?

No, there is not. - Йўқ.

Are there trees in the street? – Кўчада дарахтлар борми?

No, there are not. - Йўқ.

Тўлиқ салбий жавобда **no** инкор юкламаси қўйилади ва бу ўринда у **ҳеч қандай умуман** деган маъноларни англатади. Бунда **no** дан кейин келаётган от олдидан доимо артикл **қўйилмайди**.

There is no park here. – Бу ерда хиёбон йўқ.

There are no shops nearby. – Бу яқин атрафда ҳеч қандай дўконлар.

There is no time for lunch. – Тушлик қилгани умуман вақт йўқ.

There is no water in the bottle. – Шиша идишда ҳеч қандай сув йўқ.

Reading - Ўқиш

Бир куни Кристофер Робин Ҳайвонот боғига борди. One day Christopher Robin went to the zoo. What did he see at the zoo? У ҳайвонот боғида нималарни кўрди? Унинг хикоясига қулоқ тутамиз. Let's listen to his story.

The Zoo

Зоопарк

There are lions, and roaring tigers, and big camels. There are some buffaloes and bisons and a great bear. There is a tiny hippopotamus. There are a few badgers, too. There are a lot of goats and a Polar bear and different kinds of mice.

Christopher Robin pays a little attention to every animal. But he likes the elephant most of all. The boy has some buns with him. He gives the buns to the elephant.

At School and at Home

Мактабда ва Уйда

Part I

Tim's school is not far from their place. He gets there in twenty minutes. He does not take a bus. He gets there on foot. Tim likes walking.

Sometimes he does not get up in time. He oversleeps. He is in a hurry. He says, "Dad, give me a lift."

His father gives him a lift. He takes Tim to the school on his way to the bank where he works. It takes only three minutes to get there by car.

"Hello!" says Tim to Steve, one of his classmates. They meet at the school gate. "How are things?"

"Just fine," says Steve.

Classes begin at nine o'clock. Tim is at school till three in the afternoon.

Notes - Изоҳлар

1. Агар **on foot** иборасига сўзми-сўз ёндошилса уни **оёқда** дея таржима қилиш мумкин. Бироқ биламизки, бу ибора **пиёда** деган маънони англатади. Агар Тим ухлаб қолган бўлса-чи? If he oversleeps? Отасидан нимани сўрайди? **Лифт**ними? Йўқ, у: "Мени машинада **обориб қўйинг**" деб сўрайди.

He is in a hurry. – У шошиляпти.

His father **gives him a lift**. – Отаси уни **обориб қўяди**.

2. **till** (...гача) предлоги фақат вақтга нисбатан ишлатилади.

He is at school till 3 o'clock. – У соат учгача мактабда бўлади.

They have classes from Monday till Saturday. – Уларнинг дарслари душанбадан шанбагача бўлади.

I am busy from morning till night. – Мен эртадан кечгача бандман.

Let's wait till he comes back. – Келинглари уни қайтиб келгунча кутайлик.

Word - Сўз

Take – феъли фақатгина **олмоқ** маъносини англатмайди. У **олиб бормоқ, олиб бориб қўймоқ** (бирон-бир транспорт воситасида) ва **етказиб бермоқ** маъноларини ҳам билдиради. Кристофер Робин билан Винни-Пух аждаҳони излаб боришгани ҳақидаги хикояни қайтадан айтиб кўрамиз.

They take their toy guns and leave the house. – Улар ўйинчоқ милтиқларини олишади ва уйдан чиқишади.

A driver takes them and their things to the river. – Хайдовчи уларни ва уларнинг нарсаларини дарё бўйига олиб бориб қўяди.

A boatman takes them across the river. – Қайиқчи уларни дарёдан ўтказиб қўяди.

Let's take this road. – Кел шу йўлдан борамиз.

Let's take some ice-cream at this shop. – Кел шу дўкондан озгина музқаймоқ оламиз.

Let's also take this castle. – Кел бу қасрни хужум билан эгаллаб оламиз.

Саёҳат сўнгида ғалаба қилишган аждаҳо ёнида суратга тушишар экан дўстлар бир-бирига дейдилар:

Let me take a picture of you. – Кел мен сени расмга оламан.

Now, take a picture of me. – Энди мени суратимни олиб қўй.

Қаҳрамонлар жасорат кўрсатиб чарчадилар: эҳтимол, пиёда юрмай такси **олиш** керакдир? Инглиз тилида нафақат такси, автобус ҳам, трамвай ҳам, поезд ҳам “**олинади**” Саёҳат турли хил ўлчамдаги **вақтни олади**, яъни **банд қилади**.

Shall we take a taxi? – Такси оламизми?

We can take a bus. – Биз автобустга ўтирсак ҳам бўлади.

The ride on the bus takes twenty minutes. – Автобуста бориш 20 минут вақтни олади.

It will take only five minutes by taxi. – Таксида бу атиги беш минут вақтни олади.

Қайтиб келгач душ **қабул қилиш** (shower) ёки **ванна қабул қилиш** (bath) деб бизнинг бобокалонларимиз айтишарди.

It is good to take a shower. – Душ қабул қилиш яхши.

I'd like to take a bath. – Мен чўмилмоқчи эдим.

Аждаҳо тугилмаса, кокос ўсмаса ўзингизга ўзингиз: **Take it easy!** Дейсиз. Бу маслаҳат беҳуда нарсаларни юракка яқин олманг деб эмас балки **оғирроқ бўл** (ўзингни бос) дея тушиниш учундир.

Discussion - Мухокама

Қадимда яшаган авлиёнинг There is a right time for everything – (Ҳар нарсанинг ўз вақти бор) деган гапини ўқиганмиз. Энди вақт ҳақида гаплашишнинг фурсати келди. Инглизларда соатларнинг турини англатадиган иккита сўз мавжуд: **clock** [klok] - бу: полда турадиган,

столда турадиган, деворга осиладиган, "ўйғотадиган"; ҳамда **watch** [wɒtʃ] – эса қўл ёки чўнтак соатлари.

It is six by that clock on the wall. – Девордаги соат бўйича ҳозир соат олти.

It is seven by my watch. – Менинг соатимда (қўл) ҳозир соат етти.

Бизда соатлар вақтни кўрсатади, Инглизларда соатлар вақтни айтадилар. Clocks and watches **tell the time**. Вақтни билишни истаган инглизлар сўрайдилар: **What is the time?** ёки: **What time is it?** Вақтни айтган инглиз сўзининг охирида **o'clock** сўзини ишлатади.

It is two o'clock. – Ҳозир соат икки.

It is nine o'clock. – Ҳозир соат тўққиз.

Minute ['minit] (минут) сўзини ҳар сафар такрорлаш шарт эмас.

Ёдда тутиш зарур: инглизлар аниқ соатдан кейинги ўтган минутлар учун (30 минутгача) **past** (ўтди) сўзини, агар минут миллари яримдан ўтган бўлса **to** (гача) қолди дея айтадилар.

It is five (minutes) past two. – Иккидан бешта (минут) ўтди.

It is five (minutes) to ten. – соат бешта (минут) кам ўн.

У ёки бу ҳодиса қачон содир бўлишини аниқлаштириш чоғида **when** [wen] (қачон) сўроқ олмошини қўллайсиз.

When do you get up? – Қачон уйқудан турасиз?

When does he come back? – У қачон қайтади?

When was that? – Бу қачон содир бўлди?

Тахминий жавоблар:

at ten o'clock (sharp) – (роса) соат ўнда

at about ten o'clock – Соат 10лар атрофида, тахминан 10 да

at five (minutes) to ten - соат бешта (минут) кам ўнда.

at half past ten – 10 яримда

at ten thirty – 10.30да

at a quarter to eleven – 15та кам 11да

after ten o'clock – соат 10дан кейин

before ten o'clock – соат 10 гача (соат 10дан олдин)

from nine **till** ten o'clock - 9 дан 10 гача

by ten o'clock – соат 10-га

past [pɑːst] (ўтди, кейин) ва **half** [hɑːf] (ярим) сўзларида – чўзиқ [ɑː]

товушининг талаффуз қилинишига эътибор беринг.

Reading - Ўқиш

At School and at Home

Мактабда ва уйда

Part II

Tim likes music and he likes television. He likes to look at shop windows with electrical goods on his way back home. Now in the afternoon he is not in a hurry and he has time to stop and have a good look at the TVs and tape recorders. Tim has a little cassette player that runs on batteries. He can carry it with him and listen to music all the time while the batteries are good. Tim takes his cassette player with him when he jogs.

When he comes home he always turns on his tape recorder and listens to a cassette. He has tea and does his homework to the sound of music.

Mr Baker comes home at half past five. Sometimes he returns later when he works extra hours.

In the evening they watch television. Today, there is a TV in every English home. People watch television every day and some people watch it from morning till night. Tim's grandmother is one of them. She

is retired. She has a house of her own but she often comes to stay with her son, Mr Baker, and his family.

Notes - Изохлар

Тим магазин пештахтасида нимани кўради? What does he see in the shop window? Аудио-видео техника ангиляда **electrical goods**, яъни электр моллари жумласига киради: **tape recorder** ['teipri'ko:də] - магнитофон; **cassette player**[kə'set'pleiə] – кассетали магнитофон; **VCR** ['vi:si:'ɑ:] (**video cassette recorder**) - видеомагнитофон.

Television ['telivɪzn] – сўзи ҳам **телевидение**, ҳам **телевизор**; одатда, бу сўз **TV** ['ti:'vi:] шаклида қисқартириб айтилади

Магазин эшикларида иш вақти (opening hours) ёзиб қўйилган бўлади. Тахминан бундай: Open from 9 am to 9 pm.

am ['eɪ'em] ҳарфлари ярим кечадан бошланиб (24.00) токи эртаси кунги кун ярмигача (12.00) вақтни англатади. **pm** ['pi:'em] ҳарфлари кундузги кун ярмидан (12.00) ярим кечасигача (24.00) гача бўлган вақтни ифодалайди. Булар (**am** ва **pm**) нимани англатади? Шундай яъни: **кун ярмигача** ва **кун ярмидан кейин**. Фақатгина бу қисқартма лотин тилидан олинган. Шундай қилиб, биз: электр моллари магазини эрталаб 9дан кечки 9гача (21.00) очик эканинг тушуниб олдик.

Матннинг "аҳамиятли қисми" ни такрорлаймиз.

Tim has time to have a good look at the goods. – Молларни синчиклаб кўриб чиқиш учун Тимнинг вақти етарли.

His player runs on batteries. - Унинг плейери батареяларда ишлайди.

He does his homework to the sound of music. – У уй вазифасини муסיқа садолари остида бажаради.

His father works extra hours. – Унинг отаси иш ватидан ташқари қўшимча вақт ишлайди.

His grandmother is retired. – Унинг бувиси нафақахўр.

She has a house of her own. – Унинг ўз уйи бор.

I watched this film on television. – Мен бу филмни телевизорда кўрганман (ёки телевизор орқали).

Most people have a colour TV. – Кўпчилик одамларнинг рангли телевизорлари бор.

Discussion - Мухокама

Инглиз кишиси соати орқада қолса **slow** (секин) сўзини қўллайди.

Агар соати илгарилаб кетган бўлса, **fast** (тез, тезлаган) сўзини ишлатади.

This clock is slow. – Бу соат орқада экан.

My watch is one minute slow. – Мени соатим бир минут орқада.

That clock is fast. – Ана у соат олдинда экан.

Your watch is two minutes fast. – Сизнинг соатингиз икки минут олдинда экан.

Бизнинг соатларимиз вақтни кўрсатади: It is 5 o'clock. Чойхурлик қилиш вақти бўлди. It is tea-time. Кўпгина инглиз оилаларида соат бешда (17да) бутерброд, печенье, ва бошқалар билан билан чой ичиш нонушта, тушлик ва кечки овқат қилиш каби ўз-ўзидан зарур хисобланади. Бу **чойхўрлик** вақтини **кечки тушлик (полдник)** дея таржима қилиш мумкин.

Many English people have tea at five o'clock. – Кўпчилик
инглизлар соат бешда(17да) чойхўрлик қиладилар.

Shall we have a break for tea? Let's have a cup of tea. – Чой ичгани
танафус қиламизми? Келинг бир чашкадан чой ичамиз.

Айтганча, инглизларда бир-бирларига ёқимли иштаха тилаш
одатга айланмаган. Бироқ овқатни яхши эканлигини таъкидлаш
одатга айланган. Ширин сўзи учун **taste (маза)** сўзидан ясаладиган
махсус сифат **tasty** ['teisti], сўзи қўлланилади. Бироқ инглизлар
кўпроқ **nice (мазза, ажойб)** сўзини қўллашни афзал кўрадилар.

The food is very nice. – Овқат жуда мазали.

Everything is nice. – Ҳамма нарса маззали.

Нонушта (breakfast), тушлик (lunch) ва кечки овқатларни
англатадиган бир сўз билан **meal** [mi:l] деб ишлатадилар. Бу сўз
оғзаки нутиққа хосдир, аммо бу сўз инглизча-ўзбекча луғатда
"умумий" маънода **овқатланмоқ, овқат емоқ** деб таржима
қилинган¹. Бу сўзни таржима қилаётганингизда айнан қайси
пайтдаги овқатланиш ҳақида гап кетаётганлигини аниқлашга
эътибор қаратинг ва шунга мос равишда таржима қилинг.

We have three meals a day. – Биз кунига уч маҳал овқатланамиз.

The meal was very nice. - Нонушта (ёки тушлик, кечки овқат)
жуда мазали эди. *Ёки:* Овқат жуда мазали эди.

Thank you for a nice meal. – Ширин тушлик учун раҳмат.

Reading - Ўқиш

Вапқт – жуда оддий ва шу билан бирга жуда жумбоқли тушунча...
Алисанинг ажойботлар ўлкасидаги икки уша ерлик тентаклар -

¹ Шавкат Бўтаев: "English-Uzbek, Uzbek-English dictionary" луғати, "Ўқитувчи" нашрёт-матбаа уйи, Тошкент, 2015, 421-бет.

Шляпадўз (Hatter) ва Март кўёни (March Hare) билан қилган
чойхўрлигини эслайлик...

It Is Always Tea-time

Бизда доим чой вақти

The Hatter takes his watch out of his pocket. He shakes it and then puts it to his ear.

"What day of the month is it?" he asks.

Alice thinks a little and says, "The fourth."

The Hatter sighs. "Two days slow," he says.

The March Hare takes the watch and looks at it gloomily. Then he dips the watch into his cup of tea. He looks at it again. "It is still two days slow."

Alice looks over his shoulder at the watch.

"What a funny watch!" she says. "It tells the day of the month, and it does not tell the time!"

"Does your watch tell you what year it is?" the Hatter asks.

"Of course not."

"It is always five o'clock by my watch," says the Hatter.

"Oh, is that the reason why so many cups are here on the table?"

"Yes, that is it. It is always tea-time. We have no time to wash the cups. We move round the table and take a new cup."

Words - Сўзлар

pocket ['pokit] - чўнтак; **shake** [ʃeik] - силкитмоқ; **ear** [iə] -

қулоқ; **month** [mʌnθ] - ой; **sigh** [sai] - уф тортмоқ; **gloomily**

[glu:mili] – ғамгинлик билан; **dip** [dip] - чўктирмоқ, ғарқ этмоқ; **again** [ə'gen] - яна; **shoulder** ['ʃouldə] - елка; **funny** ['fʌni] - кулгули, қизиқ; **always** ['o:lweiz] - доимо; **reason** ['ri:zn] - сабаб.

Notes - Изохлар

Агар инглизлар билан овқатланаётган бўлсангиз сиз ҳам улар каби хушмуомала бўлинг. If you have a meal in an English home, try to be as polite as your hosts. Инглизлар одатига кўра **thank you**, яъни раҳмат сўзи биздагидан кўра кўпроқ айтилади. The English often say thank you. Инглизлар раҳмат сўзини тез-тез такрорлаб турадилар.

Сиз инглиз ашулачилари қўшиқ тугаши билан, хали зал қарсақ чалмай туриб раҳмат сўзини айтишларига эътибор бергансиз албатта. Бу раҳмат “сени эшитиш учун” билет сотиб олганинг учун, келганлари учун, сени тинглаганлари учун, навбатдаги қўшиқни тинглаганлари учун айтиладиган раҳмат бу. Биз ҳам хозир:

Thank you for coming. – Келганингиз учун раҳмат.

Thank you for listening. – тинлаганингиз учун раҳмат.

Thank you and good-bye. – Раҳмат ва ҳайр. деймиз.

Exercises - Машқлар

Exercise 1. Translate the words in brackets. – Қавс ичидаги сўзларни таржима қилинг.

1. Tim gets (мактабга автобусда ёки пиёда боради).
2. Sometimes his dad (олиб бориб қўяди)
3. He (олиб бориб қўяди) Tim to school (йўл-йўлакай) to his work.
4. It (олади) only three minutes to get there by car.
5. Tim says, (ишлар қандай)?
6. Tim likes to look at (пештахта).
7. TVs and tape recorders are (электр жихозлар).

8. His cassette player (батарейкаларда ишламоқ).
9. He has tea (мусиқа билан).
10. People (телевизор кўрадилар) every day.
11. Tim's grandmother (нафақада).
12. The Hatter takes his (соатини) out of his pocket.
13. He (силкитмоқ) it and then puts it to his (қулоғига).
14. His watch (икки кунга орқада қолган).
15. The Hare (чўктирмоқ, солмоқ) the watch into his cup of tea.
16. That's the (сабаб) why they have tea all the time.



